

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар!



09:01 / 01.10.2024 1424

Ислом «илм» деганда, барча илмларни кўзда тутади. Кишида илм ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Албатта, бунинг учун устоз зарур. Илм ва уни талаб қилишнинг фазилати нақадар улуғ бўлса, илм ўргатиш, яъни устозлик қилишнинг фазилати ундан-да буюқдир.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«Сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган кимсаларни Аллоҳ баланд даражаларга кўтарур» (Мужодала сураси, 11-оят).

Юртимизда устоз ва мураббийларга эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш, қадр-қимматларини эътироф қилиш мақсадида ҳар йили 1 октябрь санаси «Устоз ва мураббийлар куни» деб белгиланган. Шу куни халқимиз байрам қилиб, устоз ва мураббийларга кўпроқ ҳурмат-иззат кўрсатади, дилларига

хурсандчилик ва қувонч бахш этишга интилади.

Шу муносабат билан Islom.uz портали жамоаси ҳам баркамол авлод ва соғлом жамият олдида катта масъулият соҳиби бўлган, юртимиздаги барча таълим муассасаларида фидокорлик билан меҳнат қилаётган ҳамда оила даврасида кексалик гаштини сураётган улуғ устоз ва мураббийларимизга сиҳат-саломатлик, икки дунё саодатини Аллоҳ таолодан сўраб қолади!

Устозлар, яна бир бор байрамингиз муборак бўлсин!